

АВГУСТ – ПАХТА ҲОСИЛИНИ САҚЛАШ ВА КЎПАЙТИРИШ ПАЛЛАСИ

(Боши 1-саҳифада)

Мутахассисларнинг таъкидлашича, бугунги куннинг энг долзарб вазифаси экинни маромида суғоришдир. Уни тунда ўтказишнинг фойдаси катта. Яъни сув булганмай, гўза қониб сув ичади. Суғориш "шарбат" усулида амалга оширилса, у гўзага озука бериш баробарида "мульча" вазифасини ҳам ўтайди. Маҳаллий ўғит сувнинг булганишини камайтириб, тупроқ унумдорлигини оширади, наминг узоқ сақланишини таъминлайди.

Халқимизнинг "оби-тобида" деган ибораси тупроқнинг етилиши, ундаги сув микдорининг меъёрига нисбатан айтилган. Бугунги кунларда амалга оширилган муҳим тадбирлардан бири – **культивацияни оби-тобида бажариш** ҳосил сифати ва салмоғини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Культивация муддатидан эрта ўтказилса, тупроқ тайёр бўлмай ер пахса бўлиб қолади. Кечикканда эса ёрилади. Бу эса гўза илдиқларнинг шикастланишига сабаб бўлади. Айни кунларда давола култиватор киргизишнинг ҳам ўзига яраша қондалари бор. Яъни тракторларнинг ишчи қисмлари "балик сирти" қилиб ўралиши, техника бир маромда ҳаракатланиши лозим. Агарда шу жиҳатларга эътибор қаратилмаса, яшнаб турган гўзаларнинг ҳосилига зарар етиши мумкин-да.



Августнинг асосий қисми – дехқонлар тақвимидаги асад буржига тўғри келади. Дехқонларимиз "Асад – экиннинг ясади", "Асад суви – асал суви" каби ибораларни ишлатишади. Бу, ушбу даврнинг экинлар, хусусан, гўза учун қанчалик аҳамиятли эканлигини кўрсатади. Шу кунларда гўза парваришига зўр бериш зарур, экинни нафақат яшнатиш,

балки "ишлатиш" ҳам даркор. Экинни "ишлатиш" учун эса пахтакор меҳнат қилиши, эътибори ҳафсалани ошириши лозим бўлади. Асаднинг ярмида ёз чилласи ниҳоясига етади. У августнинг 5-10 кунларига тўғри келади. Шу кунлардан бошлаб, салқин ҳаво туша бошлайди. Айниқса, тун совийди. Мана шу салқинлик ҳосил қушандаси бўлган шашаротлар – кўсак қурти, ўғримчак-каналарнинг кўпайишига шароит яра-

тади. Етиштирилган ҳосилни улардан ҳимоя қилиш ниҳоятда муҳим. Агар эътиборсизликка йўл қўйилса, 30 фоизгача ҳосил зарарқандалар таъсирида йўқотилиши мумкин. Зарарқандаларга қарши курашишда асосан биологик усулдан фойдаланилмоқда. Жорий йилда ҳам шу тадбирларга пухта тайёргарлик кўрилди. Фойдали хашаротлар – **олтинқўз, бракон, трихогрммалар** етарли микдорда ишлаб чиқарилиб, пахтакорларга етказиб берилди.

Кенг қулоч ёзиб, ҳосил тўплаган гўзаларнинг пастки қисмига ҳаво ва кўёш нурлари етиб бориши қийин бўлади. Айнан шундай жойлар зарарли хашаротларнинг уясига айланиб қолиши ҳам мумкин. Бундай вақтда дастлаб пайдо бўлган кўсаклар ҳам пастда қолади. Улардаги ҳосилни сақлаш, сифатини таъминлаш, ҳаво алмашинувини яхшилаш мақсадида гўза қатор оралари "**варақланади**". Мазкур тадбирни амалга оширишда эътибор қаратиш лозим бўлган бир қатор жиҳатлар ҳам бор. Жумладан, гўза қатор оралари "варақланар" экан, гўзанинг ҳолати, сувга, озукага талаби ҳам кўздан кечирилади. Қолақ майдонлар аниқланиб, уларга алоҳида ишлов берилди.

Ҳосил сифатини ва салмоғини таъминлашда, эртаги ва баракали

хирмон яратишда августдаги агро-техник тадбирларнинг нечоғли муҳим аҳамиятга эгалигини яна бир бор англаб етишимиз даркор. Бугунги ҳосилга – гулу кўсакка ҳамлиё бўлмасдан, уларни сақлаб қолиш, сонини яна 4-5 тадан ошириш, ҳосил нишонларини пахтага, сифатли хомашёга айлантириш пахтакорларимиз, уларга хизмат кўрсатётган ташкилотлар, мададкор бўлаётган мутахассислар олдидаги энг муҳим вазифадир.

Бугунги масъулиятли кунлар фермерлардан сувчи, механизатор, энтомолог, агроном ва қишлоқ ҳўжамли мутахассислари билан бамаслаҳат, ҳамжиҳат иш юритишни, ҳар бир агротехник тадбирни энг қулғи муддатда ва маромида адо этишга бош-қош бўлишни талаб этмоқда. Зеро, ҳосил тақдири бугунги кунда ҳал бўлади. Августнинг охирида кўсаклар лўппи-лўппи очилади. Демакки, яхши ҳосил тўплаш ва уни сақлаб қолиш учун бурч-гайрат мана шу кунларда сарфланиши лозим. Бугунгача тўпланган ҳосилни сақлаш ҳамда уни кўпайтиришни – эртага уяжак юксак хирмонларимизни мана шу кунларда қилажак меҳнатимиз белгилайди. **Август – пахта ҳосилини сақлаш ва кўпайтириш палласи** эканлигини бир лаҳза ҳам унутмаслигимиз лозим.

ХАБАРЛАР

Бухоро вилояти

«БУХОРО-ЛАБСА» ДАН СУЛЬФОН КИСЛОТАСИ

Когон туманида «Бухоро-Лабса» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси иш бошлади. Барча турдаги ювчи воситалари таркибини ташкил этувчи сульфон кислотаси ишлаб чиқариладиган корхонада йилига 8 минг тонна маҳсулот тайёрланади.

— Мамлакатимизда сульфон кислотасига бўлган эҳтиёж катта, — дейди корхона раҳбари Умиджон Шўқуров. — Шу боис, корхонамиз иш бошлаши биланок, кўплаб харидорлар билан шартнома тузди.

Ҳозирда бу ерда тайёрланаётган маҳсулот Вобкент туманидаги кир ювчи қукуни

ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бухоро-Баҳор» қўшма корхонаси ҳамда бошқа турдош тадбиркорлик субъектларига етказиб берилаётир. Келгусида фаолиятини кенгайтириш, маҳсулотни эса экспорт қилиш ҳам кўзда тутилмоқда. Айни вақтда корхонада 35 нафар киши меҳнат қилмоқда.

Янги ўқув йилига туҳфа

Бу йил Пешку тумани марказида қад ростлаган 13-сон мусика ва санъат мактаби биринчи ўқувчиларини қабул қилади.

Юртимизнинг барча худудларида бўлгани каби Пешку туманида ҳам мусика ва санъатга илҳомланган ёшлар мутахассислари билан мусика ва санъат мактаби бу борада катта аҳамият касб этади, албатта.

— Янги мактаб келгусида туманимиздаги етакчи билим даргоҳларидан бири бўлади, — дейди туман маданияти ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Саодат Ибрагимова. — Ҳозирда малака ўқитувчи ҳамда мутахассисларни жалб қилиш, энг замонавий ўқув-техника ва мусика асбоблари билан таъминлаш ишлари олиб борилаётган.

Хамроз АЛИ

Қашқаро вилояти

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Қарши шаҳридаги болалар истироҳат боғида «Бўш иш ўринлари» ярмаркаси ташкил этилди.

Унда шаҳар худудидаги 72 та корхона ва ташкилот вакиллари ўзларининг 800 та бўш иш ўрни ҳамда ишлаб чиқарилган маҳсулотлари кўргазмалари билан иштирок этди.

— Марказимизга шу кунгача 480 нафардан ортиқ фуқаро мурожаат қилган бўлса, уларнинг 370 нафари касб-хунар коллежи битирувчилари, — дейди Қарши шаҳар бандликка кўмаклашиш

ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Отабек Болтаев. — Ярмарка давомида уларнинг аксарияти мавжуд бўш иш ўринларига йўлланмалар олишди. Шунингдек, тадбир доирасида мутахассислар томонидан меҳнат қончилиги, тадбиркорлик йўналишлари бўйича маслаҳатлар берилди.

Хусан ТЕМИРОВ

Навоий вилояти

ҲУНАРИ ТАДБИРКОРЛИККА АСОС БЎЛДИ

Кармана туманида яшовчи Юлдуз Жўраева ўтган йили Навоий педагогика коллежини битирди. Ўқиб даврида тикувчиликка меҳр кўйди. Дарсдан бўш пайтлари кўрпа-ёстиқ жилдлари, болалар кийим-кечаклари тикиш билан шуғулланди.

Мустақил фаолиятида ана шу ҳунари кўл келди. Яқинда у «Микрокредитбанк»нинг Кармана филиалидан тикувчиликни йўлга қўйиш мақсадида 3 миллион 100 минг сўм миқдорда имтиёзли кредит олди. Бу маблағга у тикув машиналарини сотиб олди.

— Банк кредити фаолиятимизни анча кенгайтиришга ёрдам берди, — дейди Юлдуз Жўраева. — Эндилик-

да чойшаблар, болалар кийимларидан ташқари, келин-куёвлар учун либослар ҳам тикяймиш. Маҳсулотларимизга буюртмачилар кўпайиб борапти. Еш тадбиркор Юлдуз Жўраева қишлоқ ёшларини ҳам ишга жалб этиб, уларга касб-хунар сирларини ўргатмоқда. Айни пайтда унинг ёнида 7 нафар шогирди бор.

Абдурасул САТТОРОВ

МОДЕРНИЗАЦИЯ

Фарғона вилояти

ИМКОНИАТЛАР ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

Президентимиз Ислам Каримов томонидан тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилаётган алоҳида эътибор ва бу борада яратиб берилаётган кенг имкониятлар самарасида хусусий секторнинг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Ички бозорни рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish, аҳоли, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда Фарғона шаҳрида беш мингга яқин кичик бизнес субъекти савдо, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳалари каби иқтисодиётнинг турли тармоқларида самарали фаолият кўрсатмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида шаҳарда қирқ нафар яқна тартибдаги тадбиркор иш бошлади. Шунингдек, 637 кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, мингдан зиёд иш ўрни яратилди.

Айни пайтда шаҳарда ишбилармонлик муҳитини кучайтириш, тадбиркорлар сафини кенгайтириш ва улар учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида салмоқли иш-



Корхона касаначилари Раъно Мамажонова ва Дилноз Турсунова.

Муҳимжон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган сурат.

лар кўпайиб бормоқда.

— Мамлакатимизда тадбиркорларга катта имкониятлар яратилган, — дейди корхона раҳбари Собиржон Тошпўлатов. — Ана шу имконият ва имтиёзлар бизга иш сифати ва самардорлигини ошириш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқиш, қўшимча иш ўринлари очиб имконини бермоқда.

Тўп ишлаб чиқариш анча мураккаб жараён бўлиб, у фақат қўл меҳнати билан амалга оширилади. Бу жараёнда йўл қўйилган кичик хато ҳам тўп сифатига салбий таъсир кўрсатади. Ҳозир ўттиз нафардан ортиқ хотин-қиз касаначилик асосида мазкур корхона

буортмаларини бажармоқда. Хомашёнинг асосий қисми Фарғона суний чарм заводи ва Андижон ип-йўғирув корхонасидан келтирилмоқда.

Шуниси қувонарлики, шаҳарда бугунги кунда «Чарм тўп келажак» шўъба корхонаси каби ички бозорда ўз ўрнини топаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари кўпаймоқда. Уларни янада қўллаб-қувватлаш, янги лойиҳалар устида изланишлари учун шароитлар яратиш борасида анжк чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА муҳбири.

Жиззах вилояти

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ — КОРХОНА КЎЗГУСИ

«ЖИЗЗАХДОНМАҲСУЛОТЛАРИ» ОЧИҚ АКЦИЈАДОРЛИК ЖАМИЯТИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ТЕХНИК ВА ТЕХНОЛОГИК МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ИШЛАРИ МАҲСУЛОТ СИФАТИНИ ОШИРИШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

— Модернизация корхонамизнинг истиқболлини белгилаб бериш билан бирга, ишчиларимизнинг меҳнат иштиёқларини ҳам юксалтириб юборди, — дейди корхона бosh муҳандиси Шарофжон Очлов. — Иш унумимиз ва маҳсулотларимиз сифати ошди. Энди одамлар маҳсулотларимизни мамнуният билан сотиб оллаяпти.

Ҳа, бош муҳандис айтганидай, корхонада янги технология ўрнатилгач, иш унуми ҳам, маҳсулотлар сифати ҳам юксалди. Буни корхона жамоасининг жорий йил биринчи ярми давомида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 1313 тонна зиёд, яъни 16 минг 252 тонна сифатли ун ишлаб чиқарганлар ҳам кўрсатиб турибди. Бу, айрига 2600 тоннадан зиёд ун ишлаб чиқарилаётганини билдиради. Ваҳоланки, олдинги йилларда бу кўрсаткич минг тоннадан ошмасди.

Муҳими, корхонада биринчи ва олий нав унлар ишлаб чиқарилмоқда. Янги технология воситасида омборхонадан тегирмон цехига

ўтказилаётган дон созурилиб, аввал чанг-чунгдан халос этилади. Сўнг маҳсулус элакларда тупроқ, қум, хас-қўплардан тозаланган, алоҳида ювчи мосламаларида ювилиб, қуритилади. Яна бир аҳамиятли жиҳати, ишлаб чиқарилаётган ун йод ва темир моддалари билан бойитилаяпти.

Корхона цехларида ишлаб чиқарилаётган макарон, қолиплаган нон, омихта ем ва бошқа маҳсулотлар ҳам сифатли, харидоригр. Бу ҳақ эса аввало, даромад ошишига омил бўлмоқда. Шунингдек, корхона фаолиятини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш турларини кенгайтириш имкониятлари пайдо бўла-

ётир. Ана шулар самараси ўларок, Жиззах туманида 5 минг бош парранда боқишга мўлжалланган паррандахона қуриб, ишга туширилди. «Жиззахдон-Бахт» ёрдамчи шўъба корхонаси ташкил этилиб, 78 бош қорамол парвариланмоқда.

Бундан ташқари, саноатчилар Баҳмал туманининг Абдувоҳид Усанов номи суи истеъмолчилари уюшмаси худудидаги тоғ дарасидан 24,5 гектар ер олиб, 23 гектарда машхур Баҳмал олмалари етиштиришга бошлашди. Қолган 1,5 гектарига ҳам серҳосил олма кўчатлари экилиб, интенсив бог яратилди.

— Давлатимиз раҳбарининг ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш, селекция ҳамда уруғчиликни янада ририш келтиришга доир талаб ва кўрсатмалари асосида бултур 727 миллион сўмга хориждан ўта аниқ ишловчи уруғчилик саралаш технологияси келтириб ўрнатган



Уруғчилик дон бўйича туманлараро назоратчи Элмурод Шавқаров корхона лабораторияси Дилором Нормуродова ҳамда Дилдора Қодирова билан уруғчилик сифатини кўрмоқда.

эдик, — дейди корхона директори Ниятжон Саидов. — Ўша йилнинг ўзидаяқ 9 минг тоннага яқин сара уруғчиликчи, 500 миллион сўм соф фойда олди. Жорий йилда 10 минг тонна уруғчилик тай-

ёрлаб, галлакорларга етказиб бериш режалаштирилган. Энг асосийси, ушбу цехнинг ишга туширилиши вилот галлакорларини олис йўл босиб, Андижон вилоятдан уруғчилик келтириш ташвиш

ва харажатларидан ҳам халос этди. Уруғчилигимиз сифати юқори. Саралаш дастгоҳларимиз шу қадар аниқлик билан ишлаяптики, сараланаётган донлар орасидан на бирор кичигини, на очини, на синган-ёрилганини топа оласиз. Барчаси бир хил.

Булардан кўриниб турибдики, корхонанинг модернизация қилиниши, янги технологиялар билан таъминланиши туфайли ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати яхшиланиб, харидоригрлиги ҳам кескин ошмоқда. Бундан корхона ишчи-хизматчиларининг моддий манфақадорликлари ҳам ортади. Корхона қошида ишчилар учун кунига уч маҳал сифатли овқатлар тайёрланаётган ошхона-чойхона, замонавий ахборот ва электрон воситалар билан таъминланган дам оlish хонаси, кўплаб китоб фондига эга бўлган кутубхона ишлаб тургани уларнинг меҳнат шижоати ва ташаббусларини оширмоқда.

Жамоа фаолиятини кенгайтириб, ишлаб чиқариш турларини кўпайтириш саъй-ҳаракатларини давом эттирмоқда. Яқин вақтлар ичида корхона қошида балиқ еми ва перловча ишлаб чиқарадиган цех ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ, «Qishloq hayoti» муҳбири.

Миллий Матбуот марказида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш Жамоат фонди томонидан «Демократик ислохотларнинг очиклиги ва ошқоралигини таъминлашда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан босма оммавий ахборот воситаларининг самарали ҳамкорлиги» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ФАОЛИЯТИДАГИ ТАКОМИЛЛАШУВ

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишнинг энг муҳим йўналиши бу — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ошқоралигини таъминлаш.

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида хабардор қилиш, аҳоли, жамоат тегрлашмалари ва ОАВнинг тегишли маълумотларидан фойдаланишини таъминлашга қаратилган, халқаро стандартларга мос қонунчилик базасини шакллантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақидаги ахборотларнинг оммабоплиги ҳамда ҳаққонийлиги тамойилларини рўйбга чиқариш мақсадида тизимли чора-тадбирлар қабул қилиниди, зарур шароитлар шакллантирилди.

Юртимизда ОАВнинг аҳоли ва жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондиришдаги аҳамиятини ошириш мақсадида деярли анжундан даврий матбуот тизими яратилди, телерадиоэшиттириш тизими ислох этилди, нодавлат телеканаллар ташкил қилинди. Бугунги кунда медиа соҳасига илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бўйича кенг миқёсда ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имкониятини яратиш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулиятини кучайтиришга қаратилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида» Қонунини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш вазифаси белгиланган.

Бундай қонуннинг қабул қилиниши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари самарали фаолият юритишини янада оширади, уларнинг фаолиятини жамоатчилик учун очик шаклда ташкил қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлайди, шунингдек, жамоатчиликни хабардор қилиш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштиради.

Зулфия АҲМЕДОВА

Қорақалпоғистон Республикаси

ИСЛОХОТЛАР ИНСОН МАНФААТЛАРИ ХИЗМАТИДА

Қорақалпоғистон ёқилғи, энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмаси республика Кенгаши томонидан ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари яратиш, ходимларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш чораларини кучайтириш, корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш, жамоа шартномаларини тузиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Жорий йилдан бошлаб Қорақалпоғистон касба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси билан ҳамкорликда касба уюшмалари мутахассислари ва фаолларини ўқитиш бўйича дастур ишлаб чиқилди, — дейди Қорақалпоғистон ёқилғи, энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касба уюшмаси республика Кенгашининг раиси Сеймурат Бекимбаев. — Ушбу Дастурга мувофиқ, ташкилотчилик масаласи, жамоа шартномалари, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнатини муҳофаза қилиш, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш ишлари, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, касба уюшмалари-



нинг маблағларини иқтисод қилиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича билимларни ошириш мақсадида ҳар ойда ўқувлар ташкил этилмоқда.

Жойларда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича амалдаги қонун ва ички норматив ҳужжатлар талабига катъиян амал қилиш, корхона ва унинг бўлимларида меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимидаги белгиланган чора-тадбирларнинг ўз вақтида, тўла бажарилиши устидан жамоа назорати ўрнатилган. Тармоқ корхона ва ташкилотларида бугунги кунда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича 167 нафар вакиллар меҳнат қилмоқда. Улар томонидан

ишчи ўринларини аттестациядан ўтказиш ва меҳнат шариоити ҳолатини паспортлаштириш, ишчи-ҳодимларга салбий таъсир кўрсатадиган зарарли шариоитни камайтириш, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни санитария хоналари ва керакли жиҳозлар билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

Кам таъминланган, кўп болали оилалар ва уларнинг фарзандларига, етим-есирлар, ногиронларга, ижтимоий муҳофазага муҳтож 89 нафар фуқарога моддий ёрдам кўрсатилди. Тармоқ корхоналари ва касба уюшмалари томонидан жойларда учрашувлар ташкил этилмоқда.

Тармоқ ходимларининг, айниқса, ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий кадрият ва аъёнларимизни улуғлаш мақсадида этиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари кўчатириш мақсадида жамоа шартномаларининг мазмун-моҳияти ва жамоа ташкилот фаолиятини ёритувчи плакатлар, буклетлар ишлаб чиқилиб, тарқатилди. Айни кунда ҳар бирида 19 нафардан киши меҳнат шартномаларининг мазмун-моҳияти ва жамоа ташкилот фаолиятини чекланган жамиятларида касба уюшма ташкилотини тузиш бўйича иш олиб борилмоқда.

Давуд АБИДУЛЛАЕВ, "Qishloq hayoti" мухбири.



Бухоро вилояти

Жондор туманидаги "Салоҳиддин Алибек Азиза" масъулияти чекланган жамиятининг фаолият бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Хусниддин Болтаев томонидан ташкил этилган ушбу тадбиркорлик субъекти асосан паррандочиликка ихтисослашган. Дастлаб бу ерда тухум олиш учун товуклар парвариш қилинган бўлса, аини пайтга келиб бройлер жўжалари боқилляпти.

ЙИЛИГА 40 ТОННА ПАРРАНДА ГҶШТИ

Айтиш кераки, бу ердаги зооветеринария талаблари ва юқори калорияли махсус озуқалар билан парваришланаётган жўжалар вазни 40-45 кун ичида 1,3-1,5 килограммга етади. Шундан сўнг улар пархез гўшт сифатида савдо дўконларига чиқарилади.

— Бройлер жўжаларини парваришлаш бизга анча маъқул бўлди, — дейди МЧЖ раиси Хусниддин Болтаев. — Колеверса, даромади ҳам чакки эмас. Ҳозирда жамият фаолиятини кенгайтириш йўлида иш олиб бораёмиз. Насиб этса йил охиригача 7-8 миң беш бройлер жўжаларини боқиб ҳафтадан бирида савдо дўконларига чиқарилади.

Жорий йил якунига қадар жамиятда 40 тонна парранда гўшти ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Режалар амалга ошса, келгусида бу кўрсаткич икки баробарга кўпаяди. **Хамроз АЛИ,** "Qishloq hayoti" мухбири.

Реклама ва эълонлар

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ "ТУРАН КИМ-ЗҶЯТ САУДАСИ" МЧЖ РИЗЛТОРЛИК КОРХОНАСИ ТОМОНИДАН 2012 ЙИЛ 8 СЕНТЯБРЬ, 8 ОКТЯБРЬ, 10 НОЯБРЬ ВА 15 ДЕКАБРЬ КУНЛАРИ СОАТ 11:00 ДА КЎНГИРОТ ТУМАНИ ҲОКИМИЯТИ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА БОШЛАНГИЧ БАҲОСИ ОШИБ БОРИШИ ТАРТИБИДАГИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ЯККА ТАРТИБДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИШ УЧУН ЕР МАЙДОНЛАРИ САВДОГА ҚЎЙИЛАДИ.

Кўнғирот тумани бўйича тубандаги уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларининг ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 53640 сўм.

1. "Жинишке" МПЖ 3-кварталидан № 13 ер ўрни.
2. О.Ерманов кўчаси 1-кварталидан № 46 ер ўрни.
3. О.Ерманов кўчаси 3-кварталидан № 22 ер ўрни.
4. Нурмухамедов кўчаси 9-кварталидан № 46 ер ўрни.
5. "Туркистан" МПЖ 2-кварталидан № 12, 49 ер ўринлари.
6. "Туркистан" МПЖ 3-кварталидан № 4, 13 ер ўринлари.
7. "Туркистан" МПЖ 5-кварталидан № 11, 92 ер ўринлари.
8. "Туркистан" МПЖ 7-кварталидан № 10, 11, 12 ер ўринлари.
9. "Туркистан" МПЖ 13-кварталидан № 5 ер ўрни.
10. "Туркистан" МПЖ 14-кварталидан № 12, 58, 59, 73 ер ўринлари.
11. "Туркистан" МПЖ 15-кварталидан № 30, 31 ер ўринлари.
12. "Туркистан" МПЖ 17-кварталидан № 11, 14 ер ўринлари.
13. "Ҳаким ата" МПЖ аҳолисидан № 39 ер ўрни.
14. "Ҳаким ата" МПЖ 53-кварталидан № 11 ер ўрни.
15. "Ҳаким ата" МПЖ 54-кварталидан № 6, 9 ер ўринлари.
16. "Ҳаким ата" МПЖ 66-кварталидан № 3, 4, 5, 6, 7, 8 ер ўринлари.
17. "Ҳаким ата" МПЖ 74-кварталидан № 1 ер ўрни.
18. "Ҳаким ата" МПЖ 75-кварталидан № 7, 9, 11 ер ўринлари.
19. "Ҳаким ата" МПЖ 76-кварталидан № 1, 2, 3, 10, 11 ер ўринлари.

400 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 49200 сўм.

1. "Алмазар" МПЖ Тиркиш аҳоли пункти 25-кварталидан № 7, 8 ер ўринлари.
2. "Алмазар" МПЖ Тиркиш аҳоли пункти 27-кварталидан № 13 ер ўрни.
3. "Алмазар" МПЖ Тиркиш аҳоли пункти 28-кварталидан № 3а, 4а ер ўринлари.
4. "Алмазар" МПЖ Тиркиш аҳоли пункти 29-кварталидан № 17, 18 ер ўринлари.

Кўнғирот тумани бўйича тубандаги уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларининг ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 42000 сўм.

1. "Қыпқыз" МПЖ Қыпшақ кўчаси 1-кварталидан № 3, 4, 5 ер ўринлари.
2. "Қонират" АПЖ Гулистан аҳоли пункти 19б-кварталидан № 5 ер ўрни.
3. "Қанлы" АПЖ Шамра аҳоли пункти 31-кварталидан № 29, 30, 31 ер ўринлари.
4. "Қанлы" АПЖ Шамра аҳоли пункти 29-кварталидан № 13 ер ўрни.
5. "Адебият" АПЖ Бостанлык аҳоли пункти 4-кварталидан № 1 ер ўрни.
6. "Адебият" АПЖ Тиркиш аҳоли пункти 1-кварталидан № 1 ер ўрни.
7. "Адебият" АПЖ Жанабирлик аҳоли пункти 14-кварталидан № 10 ер ўрни.
8. "Орнек" АПЖ Орнек аҳоли пункти 4-кварталидан № 15, 26, 28, 30 ер ўринлари.
9. "Орнек" АПЖ Орнек аҳоли пункти 6-кварталидан № 2 ер ўрни.
10. "Орнек" АПЖ Орнек аҳоли пункти 7-кварталидан № 1 ер ўрни.
11. "Орнек" АПЖ Орнек аҳоли пункти 9-кварталидан № 1 ер ўрни.
12. "Қырққыз" ППЖ 1-кварталидан № 6, 28, 35, 36 ер ўринлари.
13. "Қырққыз" ППЖ 1а-кварталидан № 7, 7а, 9, 9а, 11, 11а, 12, 12а ер ўринлари.

14. "Қырққыз" ППЖ 2-кварталидан № 13, 13а ер ўринлари.

Кўнғирот тумани бўйича тубандаги уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкасининг сатҳи 400 кв.м бўлиб, бошланғич баҳоси 37920 сўм.

1. "Алтынкел" посёлкаси П.Утегенов кўчаси 7-кварталидан № 7, 9 ер ўринлари.

Кўнғирот тумани бўйича тубандаги уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкаларининг ҳар бирининг сатҳи 400 кв.м бўлиб, ҳар бирининг бошланғич баҳоси 28920 сўм.

1. "Алтынкел" посёлкаси 2-кварталидан № 1, 3 ер ўринлари.
2. "Алтынкел" посёлкаси 3-кварталидан № 1, 7, 12, 13, 14, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22, 23, 25, 27, 29, 32, 34 ер ўринлари.
3. "Алтынкел" посёлкаси 4-кварталидан № 3, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13 ер ўринлари.
4. "Алтынкел" посёлкаси 5-кварталидан № 2, 4, 12 ер ўринлари.
5. "Алтынкел" посёлкаси 7-кварталидан № 7, 9 ер ўринлари.
6. "Алтынкел" посёлкаси 8-кварталидан № 2, 4 ер ўринлари.
7. "Алтынкел" посёлкаси 5б-кварталидан № 1 ер ўрни.
8. "Алтынкел" посёлкаси Б.Абдуллаев кўчасидан 1-кварталидан № 3 ер ўрни.
9. "Алтынкел" посёлкаси Алтынкол кўчасидан № 68, 91, 94 ер ўринлари.
10. "Алтынкел" посёлкаси Ю.Шарипов кўчасидан № 38 ер ўрни.

Кўнғирот тумани бўйича тубандаги уй-жой қуриш учун ажратилган ер участкасининг сатҳи 400 кв.м бўлиб, бошланғич баҳоси 120720 сўм.

1. А.Шамуратова кўчасидан № 1 ер ўрни.

Аукцион савдосида қатнашиш учун аризалар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9-00 дан 18-00 гача Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри Амир Темур кўчаси № 112 А уй, Давлат мулк кўмитаси биноси 1-қават 117-хонада қабул қилинади. Талабгорлардан ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилиш вақтидан 1 кун олдин соат 18-00 да тўхтатилади. Талабгорлар закалат пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 100 фоиз миқдорда "Туран Ким-ЗҶЯТ Саудаси" МЧЖ ОАТБ "Туран Банк" Нукус филиали х/р: 2020 8000 9047 9270 1001, КҚС: 00585, ИНН: 301 273 292, закалат пули тўлашлари шарт. Ишонч телефони: (8-361) 222-00-84.

Реклама ва эълонлар

«UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ ТОШКЕНТ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

2012 йил 11 сентябрь кун соат 11:00да бошланғич баҳоси охири бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Тошкент шаҳар Ҳамза тумани Истикбол кўчаси 15-уйда жойлашган **Ҳукуматга қарашли бўлмаган "Соғлом авлод учун" халқроқ хайрия жамғармаси Тошкент вилояти минтақавий филиалига қарашли 1996 йилда и/ч "Мерседес-Бенц", д/р 10 276 ТАА, бошланғич баҳоси 12 365 000 сўм бўлган автотранспорт воситаси қўйилади.**

Мақзур автотранспорт воситаси биринчи савдо кун, яъни 2012 йил 11 сентябрь кунда сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси голиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдорда комиссия ийғим тўланади. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (ийғирма) иш кун ичида

имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal auctions invest» МЧЖнинг ХОАТБ «InfinBANK» МФО-01041, С Т И Р - 3 0 2 0 8 3 7 9 , 20208000304932168001 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Кўшимча маълумот олиш манзили: Тошкент шаҳри Ҳамза тумани Истикбол кўчаси 15-уй. **Телефон:** 236-74-67, **Факс:** 236-26-65.

«UNIVERSAL AUCTIONS INVEST» МЧЖ БУХОРО ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

2012 йил 11 сентябрь кун соат 11:00 да бошланғич баҳоси охири бориши тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига Бухоро вилояти Бухоро шаҳар 3.Имло кўчаси 17-уйда жойлашган Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги **"Карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси маркази" Бухоро филиалига қарашли қуйидаги (техник носоз) автотранспорт воситалари қўйилади:**

1987 йилда ишлаб чиқарилган "КАВ3-3720" русумли, д/р 80/972 GAA, ранги қорамқоран, бошланғич баҳоси 1 500 000 сўм; 1990 йилда ишлаб чиқарилган "УАЗ-3962" русумли, д/р 80/974 GAA, ранги хаки (яшил), бошланғич баҳоси 1 200 000 сўм; 1988 йилда ишлаб чиқарилган "УАЗ-330301" русумли, д/р 80/976 GAA, ранги хаки (яшил), бошланғич баҳоси 1 250 000 сўм.

Мақзур автотранспорт воситалари биринчи савдо кун, яъни 2012 йил 11 сентябрь кунда сотилмай қолган тақдирда такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг сешанба кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси голиблари томонидан автотранспорт воситасини сотиб олиш баҳосидан ташқари савдо ташкилотчисига транспорт воситаси сотиб олиш баҳосининг 5 фоизи миқдорда комиссия ийғим тўланади. Аукцион савдоси голиби савдо ўтган кундан бошлаб 20 (ийғирма) иш кун ичида

пули тўғрисидаги келишувни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 (ун беш) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Universal Auctions Invest» МЧЖ Бухоро вилояти филиалининг "Турон Банк" Бухоро вилояти филиалидаги МФО: 00111, СТИР: 302083379, 2020800004932168017 ҳисобрақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган ҳужжатларни топширишлари керак: аукцион савдосида қатнашиш учун юридик шахслардан давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат илова қилинган ҳолда; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, закалат пули тўлаганлиги ҳақида тўлов ҳужжати.

Кўшимча маълумотлар учун: "Universal Auctions Invest" МЧЖ Бухоро вилояти филиали, Бухоро шаҳар Мустақиллик кўчаси 10 уй (Давлат мулк кўмитаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси биноси, 4-қават). **Тел:** (+99893) 452-10-01. **Гувоҳнома № 004059**

Корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига!



НАМАНГАН АЭРОПОРТИ ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ҚУЙИДАГИ ИНШОТГА ТАНЛОВ САВДОСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ: НАМАНГАН АЭРОПОРТИНИНГ УЧИШ-ҚУНИШ МИНТАҚАСИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ.

Объектнинг бошланғич нархи ҚҚС билан 471 542 105 сўм, ҚҚСсиз 392 951 754 сўм.

Яқунлаш муддати — 2012 йил 10 октябрь.

Буюртмачи: Наманган шаҳрида жойлашган Наманган аэропорти давлат унитар корхонаси.

Тел.: (8-369) 232-34-25, факс 226-20-84.

танловдаги иншоотга ўхшаш объектларда ишлаш таърибига эга бўлган, етарли касбий, техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, таърибли ва ишончли бўлишлари шарт.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар шундай талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағга ёки кўрсатиб ўтилган маблағни беришга банк қаролатномасига, ишлаб (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига, мутахассисларнинг мажбуриятига,

Маҳаллий ва хорж қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов тақлифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади: Қатнашчиларнинг танлов тақлифларини баҳолаш ва ўтказишда хорж ишларини (хизматларни) таъминлаш бўйича танлов тақлифлари берилганда хорж товарларини етказиб бериувчилар кўшимча қиймат солиғидан қонун доирасида овоз бўлагани инобатга олган ҳолда имтиёздан келиб чиққан фарқ миқдорини берилган тақлифга кўшимча равишда ҳисобланади.

Танлов ҳужжатларининг битта тўплами нархи — 100 000 сўм. Тақлифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридagi манзилда қабул қилинади. Тақлифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчиси тақдим этишини охириги муддати — оферталарни очилиш кунини ва соати. Тақлифлар матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз кундан кейин, қуйидаги манзилда очилади: Наманган ш. А.Навоий кўча 22-уй.

«Ўзагросуфурта» ДАСК: АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ВА ТАКОМИЛЛАШГАН ТИЗИМ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида телекоммуникация соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, соҳани такомиллаштириш мақсадида қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Хусусан, 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Алоқа тўғрисида"ги Қонунига асосан юртимиздаги барча коммуникация воситалари босқичма-босқич замонавий рақамли тизимга ўтказилди. Бу жараён "Ўзагросуфурта" давлат акциядорлик суғурта компанияси фаолиятига ҳам ўз таъсирини ўтказди.

Жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонуни қабул қилинган, суғурталанувчилар тўғрисидаги маълумотлар базасини марказлашган тартибга ўтказиш муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бунга амалга оширишда эса доимий ишлаб турувчи алоқа тизими, кенг қамровга эга бўлган алоқа оператори, мураккаб амалларни бажарувчи сервер қурilmалари, доимий ишловчи мураккаб операция тизим керак бўлди.

Қайд этиш лозимки, тизимнинг бир маромда ишлашини ва унинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш мақсадида компания барча сервер қурilmалари операция тизимини, электрон хатлар тизими серверлари, дастурий таъминотлар ва домен тизимини Linux тизимига ўтказди.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги қонуни ижросини таъминлаш мақсадида жорий йил биринчи чорада компанияга келиб-кетувчи барча хатлар ва ҳужжатлар алмашинуви электрон тизимга ўтказилди. Бунга амалга оширишда Ваик Technology фирмасининг хизмати катта бўлди. Шу йилнинг 4 чорагидан бошлаб эса барча дирекцияларда Гермес маълумотлар алмашинуви жорий қилиш режалаштирилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 29 апрелдаги "Электрон тижорат тўғрисида"ги қонундан келиб чиқиб суғурта хизматлар сотиш бевосита шахсий веб-сайти орқали амалга оширилиши мўлжалланяпти.

Жамшидбек ШОДМОНБЕКОВ, "Ўзагросуфурта" ДАСК ахборот технологиялари бўлими менежери.



Компания Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ ўзининг моддий-техника базасини янги intel486DX компьютер техникаси билан бойитиб, барча ҳисоб-китоблар, ҳар хил ҳисоботлар таъриплини компьютер техникасига ўтказилди. 2000 йил бошларида биринчи мартаба компания бошқарувида локал тармоқ жорий қилинди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар дирекциялари билан ахборот алмашинувини таъминлаш мақсадида модем орқали Dial-Up тизими ишга туширилди. Шунингдек, электрон маълумотларни бир-бирига узатиш ва қабул қилиш учун Microsoft компаниясининг Exchange 5.5 Server электрон хатлар тизими ишга тушди ва барча дирекциялар билан электрон алоқа ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, ҳисоботлар, хат-хабарлар ва мейёрлар ҳужжатларини асл ҳолатида, аниқ, тез етказиш имконини берди. Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги қонунига мувофиқ компания ўзининг интернетдаги домини ва шахсий веб саҳифасини яратди. Натижада микозлар интернет орқали компаниянинг иш фаолияти тўғрисида батафсил маълумот олиш, қизиқтирган саволларни бериш, суғурта хизматларидан фойдаланиш ва

Бутун Ўзбекистон бўйлаб суғурта ҳимояси



ҳудудий бўлинмалари ҳақида маълумотлар олиш имкониятига эга бўлишди. 2003 йилда компания интернетдаги agros.uz электрон манзилга эга бўлди. Шунингдек, компания дирекцияларини ягона тармоққа улаш ҳамда маълумотлар алмашинувини тезлаштириш мақсадида "East Telekom" қўшма корхонаси кўмаги билан вилоятлараро VPN канални жорий қилди. VPN

Реклама ва эълонлар

ПРЕССПОДБОРШИК КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

«Agtech Agri» шуъба корхонаси Тошкент шаҳридаги омбухонадан Италияда ишлаб чиқарилган хашак, сомон йиғиш (прессподборшик) техникасини тақлиф этади.

Шунингдек, John Deere компаниясининг барча турдаги ишлаб ҳужалик техникалари ҳамда JCB (Англия) компаниясининг экскаватор, экскаватор-погрузчик ва йўл-ҳўрилик техникалари етказиб берилади.

Манзили: Тошкент ш. Навоий кўчаси, 3/79.
Телефонлар: (+99871) 244-69-79, (+99871) 241-02-29.
E-mail: info@agtech.uz, www.agtech-agri.uz

Хизматлар лицензияга эга.

Омонатингизни бизга ишонинг!

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ
ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ!
AGROBANK

Агробанк омонатлари қулай, ишончли ва манфаатлидир!

Омонатга бўш пул маблағларингизни Агробанкнинг исталган филиалига қўйишнинг мумкин. Омонатлар бўйича ҳисобланган фойзал даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади. Агробанк омонатларига қўйилган пул маблағлар декларация қилинмади ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сирини ҳисобланади. Қўшимча маълумот учун 150 53 65, 150 53 32 телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.

www.agrobank.uz

Хизматлар лицензияланган



ҚОЙИЛ СЕНГА, ЧЕН ГУАНМИНГ

Хитойлик Чен Гуанминг Олимпиада уйинларини томоша қилиш учун уч гилдиракли велосипедда олтинчи миң километр йўлни босиб Лондонга келди.



Асли касби фермер бўлган бу спорт муҳлиси Хитойдан Буюк Британиягача ўн олти мамлакат орқали ўтиб келган. Бунинг учун у икки йил вақт ва беш миң АҚШ доллари сарфлаган.

Тиниб-тинчимасан жаҳонгашта Олимпиада уйинлари тугагач, Шимолий Америкага, у ердан эса навбатдаги Олимпиада уйинлари ўтказиладиган Бразилияга йўл олиш ниятида.

ТОШХҲР АЁЛ

АҚШнинг Виржиния штатида истиқомат қилувчи Тереза Виденер кўпинча овқат ўрнига тош тановул қилади.



Бу ҳақда «Daily Mail» газетаси хабар тарқатди. 45 ёшли бу аёлнинг сўзларига кўра, тош унинг кайфиятини кўтарди. Маълумотларга қараганда, Тереза бир ҳафтада икки килограмм тош истеъмол қилар экан. У ўзига зарур ушбу «ёғулик»ни денгиз соҳилидан териб олади, сўнгра майда бўлақларга бўлиб ейди.

Шифокорлар бу аёлнинг организмида темир моддаси етишмаслиги уни тош ейишга ундашини таъкидламоқда.

ЎГИЛДАН ДАРАК ЙЎҚ!

Хиндистонлик Каилаш Сингх 38 йилдан буён чўмилмайди.



Маълумотларга қараганда, ҳаво ҳарорати ўртача 47 даража иссиқни ташкил этадиган Варанаси шаҳрида истиқомат қилувчи бу одамнинг танаси 1974 йилдан буён сув кўрмаган. Унинг соқоли қарийб икки метрни ташкил этади. Каилашнинг айтишича, узоқ йиллар аввал унга бир авлиё ўғил фарзанд қўриш учун чўмилмаслик ва ҳар кеча олов атрофида рақс тушиш лозимлигини ўқитган экан. Етти нафар қизнинг отаси ўшандан бери роҳибнинг айтган гапидан чиқмайди. Бироқ ҳануз ўғилдан дарак йўқ.

Ўза хабарлари асосида тайёрланди.

Тошкент ш. Миробод т. ТСРҲ томонидан рўйхатга олинган "SAVDOGAR-BIZNES" ХХнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "SAVDOGAR-BIZNES" ММЖга ўзгартирилганини маълум қилади. Даволаш учун тел.: 405-70-42.	ООО "NEFTGAZQURILISH INJINIRING" (ИНН 205868500), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента (реестр № 007975-08, 01.06.2012 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н ул. Чорбоғ, 62, ликвидировано с 10.05.2012 г. (на основании решения учредителя-юридического лица от 09.08.2012 г.). Претензии и заявления кредиторов принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.
Тошкент ш. Миробод т. ҳокимияти ҳузуридаги ТСРҲ томонидан рўйхатга олинган "АКСИ АЛТЕ РАРУСА" МЖнинг Устав фонди 92 000 000 сўмдан 50 000 000 сўмга камайтирилганини маълум қилади. Даволаш учун тел.: 348-87-70.	ООО "BARCOM CONSULTING" (ИНН 300944011), зарегистрированное отделение по постановке на учет субъектов предпринимательства Юносабадского р-ного хокимията (24.09.2008 г., № 004124-10) по единому решению учредителя-юридического лица от 09.08.2012 г. ликвидировано в добровольном порядке. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по адресу: г. Ташкент Юносабадский р-н Ц-4 д. 35. Тел.: +99893 390-09-44, +99893 390-09-78.
Тошкент ш. М.Улуғбек т. ТСРҲдан 03.04.2008 й. реестр № 003531-04) рўйхатдан ўтган "ZMIR-ENUS" МЖнинг (ИНН 300713433) устав фонди 48 900 000 сўмдан 2 900 000 сўмга камайтирилди.	ДП "TRUMP TELECOM" (ИНН 301749023), зарегистрированное отделение по постановке на учет субъектов предпринимательства Юносабадского р-ного хокимията (06.12.2010 г., № 006220-10) по единому решению компании-учредителя от 09.08.2012 г. ликвидировано в добровольном порядке. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления по адресу: г. Ташкент Юносабадский р-н Ц-4 д. 35. Тел.: +99893 390-09-78.
Тошкент ш. Олмазор т. ТСРҲ томонидан рўйхатдан ўтган БТТ АХМЕДОВ КАДИР МУСАЕВИЧга тегишли думалок муҳр йўқолиши сабабли бекор қилинди.	Учредительный диплом 01 № 012887, выданный 26.01.2012 г. ВАК (Высшая Аттестационная Комиссия) Республики Узбекистан на имя БАХТИҲОЗОВА ОУДИНХОН БАХТИҲОУВИ, считать недействительным.
Тошкент ш. Халта т. ТСРҲ томонидан (реестр № 00318-07, 02.03.2012 й.) рўйхатга олинган "МАХ-MEDICAL SERVICE" (СТПР 302133584) МЖ ўз устав жамғармачисини 250 000 000 сўмдан 65 770 501 сўмга камайтирилганини маълум қилади. Тел.: 903-75-63.	ОАТ "Савдогарбанк" Тошкент вилояти бўлими балансидаги Олмазор т. Сабзор даҳаси 4-йи 163-қондоннинг кадастр ҳужжатлари йўқолиши сабабли бекор қилинди.
ООО "TURONIMPEKS SERVIS", расположенное по адресу: г. Ташкент Яхсансарский р-н ул. Миробод, 9А, сообщает об уменьшении размера своего уставного фонда с 153 385 585,00 сум до 92 039 020,23 сум. Претензии принимаются в течение 30 дней с момента опубликования объявления.	Учредительный диплом ДТ № 914719, выданный в 1983 г. Республиканским медицинским училищем им. Ахунбабаева на имя Рихсидовой Дилфузы Камилжановны, считать недействительным.
Тошкент ш. Миробод т. Одишхўжаев кўч. 1/1-й манзилдаги объектга берилган реестр рақами 11-115/2008-сонли кадастр ҳужжати йўқолиши сабабли бекор қилинди.	Учредительный аттестат О'Р-В № 0116860, выданный в 2003 г. ш. № 143 Хамзинского р-на г. Ташкента на имя Платоновой Елены Александровны, считать недействительным.
ООО "TRANS TEX BUTLASH" (ИНН 202045159), Юносабадского р-на г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 200 110 000 сум до 3 000 900 сум.	ООО "YRABT VOSTOK" М.Улуғбекского р-на г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 194 816 532 сум до 161 289 882 сумов.
СП ООО "S.I.F. FOOD TECHNOLOGIES" (ИНН 202879458), расположенное по адресу: Ташкентская обл. Зангиатинский р-н пос. Назарбек ул. М.Муслиева 5 преобразуется в иностранное предприятие "S.I.F. FOOD TECHNOLOGIES" в форме ООО. ИП ООО "S.I.F. FOOD TECHNOLOGIES" является правопреемником всех прав и обязательств СП ООО "S.I.F. FOOD TECHNOLOGIES". Тел.: (+998 71) 273-53-58.	ЧП "UMID SERVIS BARAKA" (ИНН 301751326), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията М.Улуғбекского р-на г. Ташкента (реестр № 006146-04 от 9.12.2011 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. Боймев 32, ликвидировано с 01.08.2012 г. (приказ №7 от 30.07.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2 месяцев со дня публикации объявления.
Тошкент ш. Шайхонтоҳур т.даги 20-мактаб томонидан 1999 й. 11-сифрини тамомлаган Ходжаев Забирдин Алмурадов номига берилган О'Р-А №569568 рақамли урта маълумот тўғрисидаги шаходатнома йўқолиши сабабли бекор қилинди.	Тошкент ш. Шайхонтоҳур т. ҳокимияти томонидан (реестр № 00294309, 01.07.2009 г.) рўйхатга олинган НТМ "RA'NO ZIVO SERVIS" (ИНН 300976716) 09.08.2012 й. эди банкрот ўз иш фаолиятини тўхтатди.
Учредительный договор иптам ООО "TURKISTON SAVDO PLUS" (ИНН 205825070), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Юносабадского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: Юносабад-9-10-9, выделенную разрешительным отделом Юносабадского РОВД, считать недействительным.	Учредительный справку за № 3681 от 2.07.2012 г., выданную БТИ Хамзинского р-на с купле-продаже квартиры по адресу: Ласканды-2 (Авдилова-3) д. 9 кв.ра 4 на имя Хаджиголова Анны Ивановны, считать недействительной.
ООО "EXPRESS GLOBAL PLUS" (ИНН 301442841), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар-20-32-3, ликвидировано (протокол собрания № 1 от 01.07.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 920-94-68.	Учредительный диплом Г № 492833, выданный в 1982 г. ГУ-129 на имя Усмоиной Гулнорахон Мукторовны, считать недействительным.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси Агротехнология таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирилик ва идоралар.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Зафар РҲЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарход ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБЕКОВ, Абдуваҳоб ТАМКИЕВ, Махмуд ТОИР, Хабиб ТЕМИРҲОЗ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омонулло ЮНСУРОВ, Анавар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шерафд ФУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масълул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ТЕЛЕФОНЛАР: Кабулхона — 236-58-83, Котибхона — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Иқтисодий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маълумот ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБАРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Навоий — (8-366) 921-50-08; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фарғона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё — (8-375) 229-17-29.

Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04.

Навбатчи муҳаррир: С.СОЛИЕВА
Мусахоҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.СОБОУЛМАММЕДОВА

Гапета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Бюрофта Г-814, ҳақми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.40 15983 нусхада босилди. Нашр индекси — 144. Манзилмииз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru. Гапета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 4 5